



ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



ФИЛОЛОГИЯ ИЛМИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ



Республика илмий-амалий
анжумани материаллари

Қарши -2020

XX аср биринчи ярмида миф ўзгача англанди, талкин қилинди, унинг функционал қўлланилиши кескин ўзгарди, десак янглишмаган бўламиз. Таъбир жоиз бўлса, миф ўтмиш адабиётида замоннинг “шартли либоси” эди. Эндиликда эса вазият тубдан ўзгариб кетди. Замонавий адабиётда ҳам кўп нарса ўзгарди. XX аср ғарб ёзувчилари қалами остида миф – инсоният ҳаётида мунтазам такрорланаётган қонуниятларни ёритувчи узок ўтмиш “қасидаси” сифатида – “тарихий қиёфа”га эга бўлди, мустақил тарзда идрок қилинди, асосида ўрганиб чиқилди. Мифга мурожаат қилиш бадиий асарнинг замонга оид чегараларини кенгайтирди. Бироқ бундан ташқари, бадиий асар маконини тўлдирган ёхуд алоҳида эста солинган, баъзида эса фақат асар номидагина юз берган миф, чексиз, битмас-туғамас бадиий ўйин, сон-саноксиз қиёс ва параллел, “тасодифий учрашув”, ҳозирги замонни ойдинлатишувчи ва энг муҳими, уни изохловчи мувофиқликлар учун сермахсул замин яратди. Воқеалар ривожини монологлар орқали ёритиш, муаллиф “овози”нинг устунлиги, афсона, яширин ва очик иқтибослар, қўйилган саволлар сабабли илмий тадқиқотни эслатиш, илгари сурмиётган фалсафий ғоялар кўплиги – буларнинг ҳаммаси интеллектуал романнинг ўзига хос хусусиятларидир. Интеллектуал роман қаҳрамони бой ички дунё соҳиб, сатъат ихлосиндир, бадиҳагўй ижодкор, айни пайтда ғалати қиёфадаги инсон кўринишида гавдатланади. У ўрта-миёна киши эмас, балки ноёб истеъдод эгасидир. Унинг фикри-зикри ўзига хос тафсилурда дунёқарашда. У онгли равишда ёлғизликни танларкан, катта шаҳарда зоҳидона ва дарвешнамо ҳаёт кечиради. Дарвоқе, ёлғизлик муаммоси XX аср бошидаёқ илмий тафсилур шаклланиши ва илмий-техник тараққиёт ютуқлари сабабли инсоннинг ижтимоий ва илмий ҳаётида глобал муаммога айланди ва бадиий адабиётда ўз аксини топди. Интеллектуал роман қаҳрамони кўз ўнгимизда ҳам ташқи, ҳам ички дисгармония ҳолатида, яъни ихлосланишчи, бетартиб, бесаранжом ҳаёт кечирувчи, паришонхотир шахс қиёфасида намоён бўлади. Шу тариқа табиий шахс ва тарихий шахс ўртасидаги азалий ва абадий фарқ ҳамда мurosасиз низо намоён қилинади. Кенг маънода, бу объектив воқелик дуализми (дуализм – фалсафада: дунёнинг негизини материя билан рух ташкил қилади деб билувчи таълимот) напиксида вужудга келадиган биологик ҳаёт ва тарихий ибтидо, замонавий технология тараққиёти сабабли жадал суръатларда ривожланаётган борлиқ ўртасидаги азалий тўқнашувлар.

Адабиётлар:

1. <http://www.themillions.com/>
2. Джеймс Дж. Собр. соч.: В 3 томах. Т. 3. / Перевод с англ. В. Хинкиса и С. Хоружего. – М.: ЗнаК, 1994.
3. Гайденко П. П. Прорыв к трансцендентному: Новая онтология XX века. – М.: Республика, 1997.
4. Roland Greene. Spenser and Contemporary Vernacular Poetry // The Cambridge Companion to Spenser / Ed. Andrew Hadfield. Cambridge, 2001.
5. Дирзен И. Эпическое искусство Томаса Манна. М., Правда, 1981.

АЛЬБЕР КАМЮ АСАРЛАРИДА АБСУРД ОБРАЗИНИНГ ФАЛСАФИЙ ИНЪИКОСИ

Асадов М.Т.,

(ТошДЎТАУ таянч докторанти)

Ҳаёт ёки ўлим сабаблари ҳақидаги барча қарашларнинг муҳимлигини инобатга олиб, Камюнинг экзистенциал посткритик мушоҳадлари файласуфларга хосдир. Абсурд тушунчаси очилган ва ички, шуурий ҳис-туйғулар тасвирланган “Бегона” (“*L’Etranger*”) кинесасида мулоҳазакорлик ва ҳалолликни интеллектуал ахлоқ, деб чакирадиган фикрни кўрамиз. Биринчидан, тақдирга қарши хайрат ва чарчок тажрибасини ўз ичига олган ҳолда, фикрлаш дегани “ички кемирадиган ҳолда бошлаш” ва “яшаш керакми?” деган муҳим саволдан қочмаслик шарт билан фикр юритишга имкон беради. Иккинчидан, уларни ўраб турган қобиг(деворлар)дан ташқарида эшитиладиган одамларнинг чақирғини тўғридан-тўғри тинглаш жасоратини ўз ичига олади. Толиққан, аммо зехни ўтқир одам, агар у онг-шуурида

равшанликни бошдан кечириш ва абсурд тажрибасига нисбатан нафратни енгиб ўтиш учун куч топа билса, демак, ғалаба қозониши мумкин.

Камю ҳаётдаги абсурднинг ғайриинсоний моҳиятини доим ёдда сақлашга чакиради. У абсурд оқимиға тушиб пастлик сари кетишни эмас, балки абсурд оқимиға қарши сузиш зарурлигини шундай ифодалайди: “Агар абсурд туйғуси бевосита ҳаракат қондасига айлантирилса, унда бу туйғу ўз жонига қасд қилишни рад этади...”

Ўз жонига қасд қилиш – бу ҳақиқатан ҳам жиддий ижтимоий-фалсафий муаммо, деб айтиш туғилишдан то ўлимға қадар мантиқнинг бор ёки йўқлигини сўрашдир. Бу ўринда Камю Кьеркегор ва Гуссерлга мурожаат қилади. Уларнинг иккаласи ҳам фикрлашнинг вазифаси нимадан иборат эканлигини яхши кўра билишган: ғоялар уммонида эмас, балки кўриш ёки идрок қилишда қайта ўйлашни ўрганишган. Бу файласуфларнинг қарашларига кўра, Абсурд бу юксалишда кўринади, бу эса аниқлик зарурлигини туғдиради. Ҳар сафар абсурд бошқа дунё учун мезонға айланади, шу билан бирга, у бу дунё тажрибасининг қолган қисми бўлиб қолаверади.

Экзистенциализмни ҳисобға олган ҳолда, Камю бўшлиқ ва умидсизликдан бошқа ҳеч нарса келтириб чиқармайдиган бу дунёдан кўнгли қолиши билан ҳаёт кечириш фактини тан олганда, у ҳаётни инсон фожеаси ва хиёнат учун айблайди ва ҳаёлий талабларига хиёнат қилгани учун танқид қилади. Айблов ҳулосаси, агар Кьеркегор, Гуссерль ва Честовни ўқиш ҳамда Ясперснинг гўзал таъбирлари орқали талқин қилиш мумкинлигини тан олиш керак бўлса, тинглашга арзийди. Айблов ҳулосаси тингланишга лойиқ, чунки улар (юқорида саналган файласуфлар) “бутун инсониятни жонлантириш учун етарли” сабабни топадилар. Мавжудлик ва мақсад ҳақида ушбу мутафаккирларнинг бундай талқинига эътироз билдириш қийин эмас. Шу сабабли, Камю аралашувининг таъсири, унинг даврида ўқиш жуда осон бўлган ва оддий адабий эссе тақдим этадиган тарихий соддалаштиришни ҳисобға олган ҳолда аниқланиши керак.

Аммо бу бизни Вабонинг сўнгги саҳифаларини унутишга мажбур қилмаслиги керак, бу ерда биз умидсизлик вазиятида ҳолатларни бир мавзудан бошқа мавзуга ўтишни кўрамиз. Тарру на тинчлик ва на умидни биларди. Камю талқинича, “Вабо – бу ҳаёт, ҳа сўзсиз шундай.” Бу унинг “инсонға тинчлик йўлида хизмат қилишда” тўсқинлик қилади. Ушбу итоатда Альберт Швейцер ҳам айтиб ўтган этикаға кириш эшиги каби итоаткорлик бор.

Камю фалсафа, ақл ва тизимни очиб бериб, ўзини файласуф эмаслигини айтади. 1943 йилда Ўрта ер денгизида бир мутафаккирни кўришни истаган немис феноменологи (Гуссерль) ёки даниялик экзистенциалист (Кьеркегор)ға яқин бўлган Сартр, *фалсафий қобилятсизлигини* таъкидлашини эътибордан четда қолдирмади. Кьеркегорнинг абсурд тушунчасини аниқ нотўғри талқин қилишиға ёхуд Гуссерлнинг шубҳали тахминларға қарамай, “Сизиф ҳақида афсона” экзистенциал фалсафий китоб эканлигини айтиб, «Исёнкор одам»да Ницшеннинг ҳамфикрлигини эслайди, керак бўлса, Камюни фақат эллинизм (hellénisme) ва христианлик ўртасидаги зиддиятнинг фалсафий доирасида тушуниш мумкин бўлади. Сартрнинг бу “хайратланарли ҳаётий куч”ига ҳавас қилган Камюнинг экзистенциал ахлоки жойида эди. Агар унда маъноларнинг сезги ёки вақт онги билан боғлиқ феноменологик ютуқларидан фойдаланадиган ёзувчини кўриш имконсиз бўлса, унда қандай қилиб, “Телеологиясиз бергсонизм”[1] нинг бир тури сифатида уни мушоҳадакор ва ҳаётнинг мутафаккири деб ҳисоблаш мумкин эмас?

Камю абсурд инсон деган тушунчаға таъриф берар экан, уни ташқи олам ва ўзининг ички олами ўртасидаги зиддиятларига эга, ўзини маълум бир қобик (чегара) билан ўраб олиб, ўзини ҳимоялашға урунувчи одам, дея изоҳлайди. Камю “Сизиф ҳақида афсона” асарини *Il faut imaginer Sisyphe heureux* [2:166], яъни *Сизифнинг бахтлилигини тасаввур қилмоқ керак (таржима бизники – М.А.)*, жумласини келтиради. Бу жамлани француз адабиётшунос олими, профессор Жак Колет шундай таърифлайди: “Бу жумлада тўғри ва тескари, сургунлик ва қироллик ўртасида туриб, шу замондан, шу оламдан айёрлик билан чиқа олмайдиган ва шунчаки “ўз кунининг хўжайини” бўлишни истаган одамнинг бахтға бўлган иштиёкни акс эттиради” [3:86]. Олимнинг гапидан англашиладики, Сизифдаги бу иштиёк уни яшашға, ҳаракатланишға мажбур қилади. Уни яшаш ва ўлим, ғалаба ва мағлубият, адолат ва адолат-

сизлик ўртасидаги оламда туриб, шу зулматда туриб ўлимга, инсонни емирилишга ундовчи давлатларга қарши турган исёнкор одам сифатида кўриш мумкин.

Гуманист Камю Ерни ўзининг қироллигига айлантирган ҳолда умидлардан, "итоат ва исён келишуви"га бағишланган ҳаётнинг моҳиятидан воз кечмайди. Абсурд – бу фақат "бошланғич нуқтаси, яшаб ўтиш", барча нарсани мутлақ инкор этиб яшаб бўлмайди, дейди Камю "Исёнкор одам" китобида [4:18-19]. Камю вакили бўлган бахтли Сизифда Кьеркегор умидсизлик тимсолини кўради.

Камю дунё, ҳаёт ҳақида фикр билдираркан, "Илоҳий иродасиз, дунё ҳам бирлик ва мақсаддан маҳрумдир" [5:90] деган ихтибосларни келтиради "Исёнкор одам" китобида. Бу Камюнинг умидсизлик ҳақида айтган туйғусини уйғотади, аммо бу пассив нигилизмга олиб келмайди. Ушбу эътиқоддан кўриниб турибдики, бу иш қўзғатган сон-саноксиз танқидлар ёки суҳбатларнинг бир қисми дин ва ғайридинлик масаласига қаратилган эди. Камюнинг антиатеизми ёки "иштиёқсиз имонсизлик"[6], христиан ҳақиқатига қириқнинг иложи йўқлиги ижобий атеизмдан аниқ фарқ қилар эди, чунки у "имон фожияли умидга қараганда тинчликдан ҳам кам" деб билади. Аммо бу жараён, бу ноқулайлик Паскаль ёки Кьеркегор каби масиҳийларни ёки Ясперс каби иймонсизлар орасида топадиган ҳақиқатдан ҳам фалсафий мавзуларни келтириб чиқармасди. Биз унинг асарларида хўрланган фикр акс-садосини эшитамиз.

Камю ўзини файласуф эмаслигини қанчалик таъкидласа-да, у экзистенциализм мутафаккири сифатида эътирофга лойиқдир, чунки у бир эссеци, романшунос ва драматург сифатида ишлаши бутун дунёда ва тарихда кўринадиган абсурдга қарши "одамнинг теранликларида акс садо берадиган равшанлик истаги" кабилар.» [2: 37].

Бегона, "Вабо" даги "Исёнкор одам" инсон фақат чегара шароитларига дуч келганида пайдо бўлади. Ажралиш мавҳумлик маъносида – ҳаракат ва бизни ўраб турган олам, шунингдек, импульс ва вазият ўртасидаги, бирлик ва тарқоқлик ўртасидаги ажралиш – ўзига хосликнинг ваҳийси сифатида ошкора намоён бўлади, бунинг натижасида унинг энг махфий имкониятлари йўқолади. Бу ихтиёрий эркинлик мавзуси туфайли, Камю ўзининг даҳоси ва илмий эътиборсиз экзистенциализмнинг лейтмотивларидан (*leitmotiv*) бирини топади.

Камю ўз асарларида абсурд қаҳрамонлар орқали инсоннинг ички дунёсини, руҳиятини чуқур таҳлил қилиб, дунё адабиёти ва бадий тафаккурида ўчмас из қолдирди.

Адабиётлар:

1. Doubrovsky S. La morale d'Albert Camus, *Preuves*, octobre 1960.
2. Camus, Albert. Le Mythe de Sisyphe. – P.: Gallimard, 1942, p. 166.
3. Colette, Jacques. L'Existentialisme. – Paris: Presses Universitaires de France, 1994. P. 86.
4. Camus, Albert. *L'homme révolté*, Paris, 1951, p. 18-19. Les autres formules de Camus sont citées par Sartre (*Situations*, IV, p. 112) qui, au lendemain de la mort de Camus, soulignait que son ami avait non seulement découvert *L'absurde*, mais qu'il avait *pensé* cette «imbécile négation de l'homme» (p. 128), «son insupportable condition».
5. Camus, Albert. *L'homme révolté*, Paris, 1950, p. 90.
6. Voir sous ce titre, qui est de Camus, l'étude de P. Viallaneix dans la *Revue des Lettres modernes*, 1968.

BOYAZID SHOHIIY G'AZALINING LINGVOPOETIK TAHLILI

Iminjanov B.X. (*AnDU talabasi*)

Usmoniylar saltanatining butun dunyo davlatchiligi tarixida o'ziga xos o'rni bor. Saltanatning boshqa imperiya va davlatlardan ajratib turuvchi belgilaridan biri hukmronlik qilgan sultonlarning ko'pchiligi san'atkor tabiatli ekanliklaridir. Yoshligidan ta'lim olishiga katta e'tibor qaratilgan sultonlar va shaxzodalar musiqa va she'riyatga ishqiboz bo'lishgan. Tahsil davomida til va adabiyot ilmlari chuqur o'rgatilgani natijasida ularning bir qanchasi she'rlar yozar, bir qanchasi devon ham tartib etganlar. Usmoniylar davlati sulton Sulaymon (1494-1566-yillarda yashagan; 1520-1566-yillarda hukmronlik qilgan) davrida o'z qudratining cho'qqisiga chiqdi. Sulaymonning o'zi Muhibbiy, Ojiziy, Maftuniy taxalluslari bilan she'rlar yozgan va ikki devon tartib etgan. Uning

МУНДАРИЖА

№	Муаллиф Ф.И.	Мақола мавзуси	Бет
1-ШЎБА: АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ			
1.	Холбеков М.Н.	Интеллектуал роман	3
2.	Асадов М.Т.	Альбер Камю асарларида абсурд образининг фалсафий инъикоси	7
3.	Iminjanov B.X.	Boyazid Shohiy g'azalining lingvopoetik tahlili	9
4.	Matyagubova O.	XX asr fransuz adabiyotida Alber Kamyu ijodining o'rni	11
5.	Qarshiyev B.A.	Murod Muhammad Do'stning "Lolazor" romanida ong oqimi tasviri	12
6.	Qarshiyev K.A.	Jamol Kamolning "Shahribonu" dostonida Alisher Navoiy ijodi an'analari	14
7.	Zoirova A.I., Djuraqulova M.	Badiiy adabiyotda globallashuv jarayoni va ustivor adabiy oqimlar	15
8.	Bekmuradova Z., To'xtemirova O.	Эжен Дабининг "Жаноб Петифрер" новелласининг поэтик хусусиятлари	16
9.	Хайитов Ч., Жўрабекова Г.	Леклезиянинг "Сахро" романида табиатни тасвирлашдаги лисоний воситаларнинг қўлланилиши	18
10.	Хайитов Ч., Ражабова Б.	Стендалнинг "Қизил ва қора" романи хусусида айрим мулохазалар	19
II ШЎБА: ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ			
11.	Ахмедов А.Б.	Метонимик кўчим асосида феълларда янги маъно ҳосил бўлиши	22
12.	Juraqobilova H., Karimova N.	Fransuz tilidagi frazeologik birikmalar tarkibidagi komponentlar orasidagi sintaktik birikuv	23
13.	Умурқулов З.Б.	Қиёслаш – ўхшатиш	25
14.	Aliyeva G., Islamova O.	Fransuz yoshlari orasida sleng so'zlarning ommalashishi	27
15.	Bekchonova Z.I., Saidova M.N.	O'zbek va fransuz tili so'z turkumlarida predmetlik va belgi – xususiyat va ma'nolarini chegaralovchi omillar sifatlarida	28
16.	Bekmuradova Z.	Badiiy asar tilida fransuz til meyorlarining buzilish hollari	29
17.	Fayzullayev X., Nizomov D.	Fransuzcha va o'zbekcha rasmiy hujjatlarda fe'l mayllarining qo'llanilishiga doir	31
18.	Qo'shayeva G., Jo'rayeva O'.	L'emploi du verbe "aller" comme le verbe auxiliaire dans les phrases	33
19.	Qo'shayeva G., Jumayeva M.	Fransuz va o'zbek tillaridagi sodda gaplarning o'xshash va farqli tomonlari	34
20.	Miyassarov E., Zokirova G.	Italian tilida maqollarning semantik va strukturaviy tahlili	36
21.	Murtazayev E.	Nemis tilshunosligining jahon tilshunosligidagi tutgan o'rni	37
22.	Saidova M.N.	Lingvomadaniyatshunoslik kompetensiyasini shakillantirishda til va madaniyatning o'zaro bog'liqligi	39
23.	Sultonova I., Bekpo'latova B.	Utilisation du verbe "aller" comme le verbe auxiliaire dans les phrases	41
24.	Sultonova I., Jumaniyozova G.	Modallik gapning asosiy birligi sifatida	43
25.	To'rayeva M.	XXI asr fransuz neologizmlarining lingvomadaniy aspektlari	44
26.	Zoirova A., Djuraqulova M.	Sport atamalarining millatlararo va madaniyatlararo qo'llanilishining lisoniy jihatlari	46